



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси аҳолиси
ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш (бундан буён матнда
сейсмик хавфсизликни таъминлаш деб юритилади) соҳасидаги
муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу
Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида
Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш
тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар
белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

визуал текширув – таянч конструкциялардаги, қопламалар
ва деворлардаги ёриqlар ҳамда шикастланишларни аниqlаш учун бинолар
ва иншоотларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш;

зилзила – ер қобиғининг ёки ер устки қатламининг тўсатдан рўй берган силжиши, емирилиши ёки ўпирилиши оқибатида вужудга келган, узоқ масофаларга тарқаладиган тўлқинсимон тебранишлар тарзидаги ер ости силкинишлари ва тебранишлари;

зилзилабардошлиқ – аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган бинолар ва иншоотларнинг зилзила таъсирига бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари;

зилзила оқибатларини бартараф этиш – содир бўлган зилзиладан кейин амалга ошириладиган ва инсон ҳаётини сақлаб қолишга, зарарни ҳамда моддий йўқотишларни камайтиришга қаратилган тезкор авария-кутқарув ишлари мажмуи;

зилзила эпицентри – зилзила ўчоғига тўғри келадиган ер юзасидаги нуқта;

инструментал-техник текширув – маҳсус кузатув, ўлчов ва назорат воситаларидан фойдаланган ҳолда бинолар ҳамда иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

кучли зилзила – магнитудаси (зилзила қуввати) Рихтер ўлчови бўйича 5,0 ва ундан юқори бўлган зилзила;

сейсмик жиҳатдан заифлик – бинолар ва иншоотларнинг конструкцияларида зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган шикастланишлар ҳамда емирилишларнинг кўрсаткичлари;

сейсмик жиҳатдан худудлаштириш – худудларни илмий таҳлил асосида сейсмик хавф даражаси бўйича таснифлаш;

сейсмик фаол зона – сейсмик жиҳатдан худудлаштириш харитасида белгиланган, кучли зилзилалар юз бериши эҳтимоли доимо юқори бўлган худуд;

сейсмик хавф – муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида аҳолининг ҳаётига таҳдид солувчи ҳамда бинолар ва иншоотларга зарар етказувчи зилзилалар юз бериши эҳтимоли;

сейсмик хавфсизлик – сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳоли ҳаётини ва инфратузилма обьектларини зилзилалар натижасида келиб чиқадиган хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати;

сейсмик хатар – муайян ҳудудда зилзилалардан кўриладиган эҳтимол тутилган ижтимоий ва иқтисодий зарар;

сейсмологик ва сейсометрик кузатувлар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик режим ўзгаришининг мониторингини амалга оширувчи сейсмик кузатув станцияларининг тармоғи;

электрон техник паспорт – бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати тўғрисидаги зарур маълумотлар жамланган электрон хужжат.

4-модда. Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар жумласига куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бирликларининг худуди;

мудофаа, саноат, аграр, энергетика, илмий-техника мажмуалари, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим ташкилотлари, жамоат ва турар жой бинолари;

моддий ва маданий мерос объектлари;

кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар ва йўллар;

муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, газ, сув, иссиқлик ва электр таъминоти тармоқлари.

5-модда. Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектларнинг таснифи

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектлар аҳамиятига кўра куйидаги тоифаларга бўлинади:

I тоифа – хавфлилик омили паст бўлган объектлар;

II тоифа – хавфлилик омили ўртacha бўлган объектлар;

III тоифа – хавфлилик омили юқори бўлган объектлар;

IV тоифа – хавфлилик омили жуда юқори бўлган объектлар.

Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектларнинг тоифаларига кўра рўйхати ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ белгиланади.

2-боб. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

6-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг хукуқий асосларини такомиллаштириш;

сейсмик хавфсизлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўриш;

фойдаланишда бўлган, шунингдек фойдаланишга топшириладиган бинолар ва иншоотлар зилзилабардошлигининг мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириш;

республика худудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик ва сейсометрик кузатувлар олиб бориш;

республика худудида жойлашган сув омборларининг ва бошқа гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлиги устидан назоратни амалга ошириш;

мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг илмий асослари ва технологияларини такомиллаштириш;

давлат органлари томонидан зилзилалар натижасида инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётига ва аҳолининг мол-мулкига зарар етказилишини, шунингдек йўқотишлар хатарини (моддий, иқтисодий ва бошқа) камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда сейсмик хавфни, сейсмик хатарни ва зилзилалар юз бериши эҳтимолини прогноз қилишнинг, шунингдек иншоотлар зилзилабардошлигининг замонавий усуулларини амалиётга жорий этиш;

мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини ташкил этади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илм-фан ривожланишини, ушбу соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлайди;

давлат органларининг ва илмий муассасаларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштиришнинг ҳар хил масштабли ҳариталари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди;

сейсмик хавф юқори бўлган ҳудудларда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича хулосалар бериш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини доимий равишда олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, трансчегарашиб ҳудудларда, шунингдек табиий ва техноген хавф юқори бўлган ҳудудларда сейсмологик ва сейсометрик кузатувларни ташкил этади;

кучли зилзилалар юз бериши хавфи пайдо бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этишга доир зарур чоралар кўради;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва давлат дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

сейсмик хатарни ва кучли зилзилалар оқибатларини баҳолашга доир илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишида, услубий тавсияларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

сейсмопрогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этади ва назорат қиласи;

аҳолини ва давлат органларини кучли зилзилалар тўғрисида тезкор хабардор қиласи;

кучли зилзилалар, улар томонидан келтириб чиқарилган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун барча турдаги ресурслар захиралари шакллантирилишини мувофиқлаштиради;

зилзилалар вақтида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштиради;

зилзилалар вақтида аҳолини тегишли ҳаракатларни бажаришга ва тадбирларни амалга оширишга тайёрлаш мақсадида сейсмик фаол зоналарда мунтазам равишда семинар ва тренинглар ўтказади;

юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилалар оқибатларининг бартараф этилишини ҳамда бундай вазиятларда давлат тизими кучлари ва воситаларининг шайлигини таъминлайди;

авария-күтқарув кучларининг, маҳсус техниканинг ва маҳсус тузилмаларнинг зилзилалар эпицентрида тезкор-күтқарув ишларини амалга оширишга доир доимий шайлигини таъминлайди;

сейсмик хавфсизликни таъминлашга доир тадбирларни амалга ошириш чоғида күтқарув ишларини ташкил этади ва олиб боради;

аҳолини зилзилалар вақтида ўзини тутиш қоидалари билан танишиширади, уларга тайёргарлик кўришга доир тегишли услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ва тарқатилишини таъминлайди;

сейсмик фаол зоналарда жойлашган сув омборларида сейсмологик ва сейсометрик кузатувларни ўз ваколатлари доирасида олиб боради;

тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда юз бериси мумкин бўлган қучли зилзилалар оқибатларини бартараф этиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этади;

кучли зилзила содир бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат бўлган эпицентрал гурӯҳнинг кучли зилзила эпицентрида шикастланган бинолар ҳамда иншоотларнинг яроқлилигини баҳолашга доир фаолиятини ташкил этади ҳамда унинг доимий шайлигини таъминлайди;

бинолар ва иншоотлар ҳолатининг мониторингини электрон техник паспортлар асосида амалга оширади ҳамда сейсмик жиҳатдан заифлиги юқори бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси худудида қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолайди ҳамда назорат қиласи;

электрон техник паспортлар асосида бинолар ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан заифлиги бўйича таснифлашда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текшируvida ҳамда уларнинг зилзилабардошлигини оширишда иштирок этади;

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантиради;

сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллаштиради;

Ўзбекистон Республикасидаги қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек мавжуд бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:
сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

сейсмик хавфни турли масштабларда баҳолаш, сейсмик жиҳатдан худудлаштириш, зилзилаларни вақт кесимида прогноз қилиш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича услугбиятларни ишлаб чиқади;

муҳандислик-геологик асосларни ва технологияларни, шунингдек турли сейсмик хавф ва хатарларни баҳолаш услубиётларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

зилзилалар юз бериши эҳтимолини аниқлашнинг, сейсмик хавфни ва сейсмик хатарни баҳолашнинг замонавий усусларини ишлаб чиқади;

худудларнинг сейсмик хавфи ва сейсмик хатарига доир ҳар хил масштабли хариталарини тузади;

кучли зилзила содир бўлган тақдирда, ер сатҳи шаклининг ўзгариши даражасини, бинолар ва иншоотларнинг емирилиши даражасини баҳолаш учун зилзила эпицентри худудида макросейсмик ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказади;

сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий назорат қилиш усусларини ишлаб чиқади ҳамда инструментал сейсмологик ва сейсмометрик кузатув маълумотлари асосида сув омборлари тўғонларининг динамик хоссаларини ўрганиб, уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолайди;

олий таълим ташкилотлари учун сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда иштирок этади;

ахборот-кутубхона муассасаларини ва олий таълим ташкилотларини сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий ҳамда илмий-техник манбалар билан таъминлайди;

сейсмик фаол зоналарда қурилиш нормалари ва қоидаларини такомиллаштиришда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

сейсмик хатарни камайтириш ва аҳолини юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилаларга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга кўмаклашади;

юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш борасида бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласади;

аҳолини кучли зилзилалар вақтида тегишли ҳаракатларни бажаришга ва тадбирларни амалга оширишга тайёрлаш бўйича сейсмик фаол зоналарда семинар ва тренинглар ташкил этилишига бевосита кўмаклашади;

курилиш ташкилотлари томонидан сейсмик фаол зоналар учун нормативларга мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳаларга қатъий риоя этилишини назорат қиласади;

мавжуд бўлган ҳамда қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантиришда, уларни янгилашда, шунингдек мониторингини ўтказишида иштирок этади;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги янги ишланмаларни амалга оширишда бевосита ташкилий-амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш

12-модда. Сейсмик хавфни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик хавфни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

Сейсмик хавфни баҳолаш ер юзасидаги тебранишлар жадаллигини хисоблашни ҳамда уларнинг юз бериши эҳтимолини баҳолашни ўз ичига олади.

Сейсмик хавфни баҳолаш натижалари асосида ҳудудларнинг сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш хариталари тузилади.

Сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш хариталари курилиш лойиҳаларининг зилзилабардошлиги нормативларини, ердан фойдаланиш, ерга эгалик қилиш ва аҳолини жойлаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Шаҳарсозлик фаолиятида муайян ҳудуд грунтининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик жиҳатдан микрохудудлаштириш хариталари тузилади, бинолар ва иншоотлар эса ушбу хариталарга мувофиқ лойиҳалаштирилади ҳамда курилади.

13-модда. Зилзилалар юз бериши эҳтимолини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучли зилзилалар юз бериши эҳтимолини прогноз қилиш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик кузатувлар тармоғи республика ҳудудида комплекс прогнозистик кузатувларни, маълумотларни тўплаш ва узатишни, уларнинг дастлабки таҳлилини амалга оширади.

Сейсмик кузатувлар тармоғи миллий ва ҳалқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимиға киритилган станциялардан иборатdir.

Сейсмик ва прогнозистик станцияларда доимо кузатувлар олиб борилади, олинган натижалар эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг маълумотлар базасида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази сейсмик, геофизик ва гидрогоесейсмологик кузатувлар олиб боради, шунингдек зилзилалар даракчиларига доир прогноз маълумотларининг таҳлилини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳамда Фанлар академиясининг идоралараро эксперт комиссияси кузатилаётган ва юз бериши мумкин бўлган сейсмик вазият тўғрисидаги хulosаларни мунтазам равишда (ҳар хафтада ва ҳар ойда) тегишли давлат органларига юборади.

14-модда. Бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини текшириш ҳамда мониторинг қилиш

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган, курилиш нормалари ва коидалари талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилган ҳамда қурилган II–IV тоифадаги объектлар ҳар беш йилда зилзилабардошликка доир визуал текширувдан ўтказилади.

Визуал текширувлар инструментал-техник текширув ўтказилишини талаб этадиган ҳолларда бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошликка доир инструментал-техник текшируви ўтказилади ҳамда уларнинг электрон техник паспорти янгиланади.

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган III–IV тоифадаги объектлар ҳар ўн йилда зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширувдан ўтказилиши лозим.

Сейсмик фаол зоналарда янги қурилган III–IV тоифадаги объектлар ишга туширилаётганда улар зилзилабардошлика доир инструментал-техник текширувдан мажбурий тартибда ўтказилади.

IV тоифадаги объектларга тааллуқли бўлган сув омборлари тўғонларида ва гидроэлектростанцияларда инструментал-техник текширувлар бир йилда икки марта ўтказилади.

Сув омборлари тўғонларининг инструментал-техник текширувлари сейсмик фаол ҳудудларда содир бўлган ҳар бир кучли зилзиладан кейин мажбурий тартибда ўтказилади.

Бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлика доир визуал ҳамда инструментал-техник текширувлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги тегишли ҳудудий назорат инспекциялари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ташкилотлари ва маҳсус лицензияланган ташкилотлар, шунингдек илмий-тадқиқот муассасалари томонидан амалга оширилади.

Кучли зилзилалар содир бўлган ҳудудлардаги барча турдаги бинолар ва иншоотлардан мутахассислар томонидан зилзилабардошлика доир визуал ёки инструментал-техник текширувдан ўтказилгандан кейин фойдаланишга йўл қўйилади.

Бинолар ва иншоотлар сейсмик жиҳатдан заифлигининг доимий мониторинги электрон техник паспортлар асосида амалга оширилади ҳамда ушбу мониторинг натижасида олинган ахборот тасарруфида бинолар ва иншоотлар бўлган давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга топширилади.

Ўз тасарруфида бинолар ва иншоотлар бўлган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ахборот олинганидан кейин олти ой давомида сейсмик жиҳатдан заиф деб топилган бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текшируви ўтказилишини таъминлаши ҳамда текширув натижаларига доир хулосалар асосида уларни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриши шарт.

15-модда. Сейсмик хатарни баҳолаш

Сейсмик хатарни баҳолаш кучли зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган инсонлар жабрланишининг, моддий ва бошқа йўқотишларнинг илмий прогнозини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмик хатарни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

Сейсмик хатарни баҳолаш натижаларига кўра турли масштабдаги сейсмик хатар хариталарини ишлаб чиқиш амалга оширилади, улар

асосида зилзилаларнинг (сейсмик хатарларнинг) эҳтимол тутилган оқибатларини камайтириш дастурлари ишлаб чиқилади.

16-модда. Сейсмик хатарни камайтириш

Сейсмик хатарни камайтиришга қуйидаги чораларни амалга ошириш ҳисобидан эришилади:

илмий-техник ечимлар асосида бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш;

аҳолининг хабардорлиги ва тайёргарлиги даражасини ошириш;

тегишли давлат органлари ва ташкилотларини сейсмик хатарларни бошқаришга тайёрлаш;

аҳолини барвақт огоҳлантириш тизимини яратиш, унинг тиббий тайёргарлик даражасини ошириш;

фавқулодда вазиятларга нисбатан тезкор ҳаракат қилиш кучларини тайёрлаш ва такомиллаштириш;

кучли зилзиладан зарар кўрган зонани тиклаш ва аҳолини реабилитация қилиш.

Сейсмик хатарни камайтириш чоралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган дастурларга мувофик амалга оширилади.

17-модда. Зилзила оқибатларини бартараф этиш

Зилзила оқибатларини бартараф этиш ушбу моддада баён этилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигига ҳамда ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасалари, сейсмология соҳасидаги мутахассислар иштирокида зарар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида тезкор чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади.

Зилзила содир бўлган тақдирда зилзила эпицентрида шикастланган бинолар ва иншоотларнинг фойдаланишга яроқлилигини баҳолаш доимий эпицентрал гурух ҳамда тегишли мутахассислардан тузиладиган гурух томонидан амалга оширилади.

Кучли зилзилалар оқибатларини бартараф этиш доирасида худудларда:

аҳолини кучли зилзила зонасидан хавфсиз худудларга эвакуация қилиш таъминланади;

қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклаш ишлари амалга оширилади;

биноларнинг ҳамда муҳандислик-транспорт инфратузилмасининг шикастланиш даражаси тезкор ва батафсил ўрганилади;

кучли зилзила туфайли етказилган зарар аниқланади;

кучли зилзила оқибатида бузилиши, тикланиши ёки қайта қурилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар аниқланади;

зилзила натижасида вайрон бўлган бинолар ва иншоотларни қайта қуриш ҳамда тиклаш амалга оширилади.

Аҳолини кучли зилзилалар келтириб чиқарган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Кучли зилзилалар натижасида етказилган заарни баҳолаш

Кучли зилзилалар натижасида етказилган заарни баҳолаш бўйича комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган тезкор штабнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўшма қарори билан тузилади.

Мазкур комиссиялар таркибига сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатли вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, суғурта ҳамда молия ташкилотларининг масъул ходимлари, зилзилабардош қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари ҳамда бошқа эксперталар киради.

Кучли зилзилалар натижасида етказилган заарни баҳолашга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-модда. Кучли зилзила натижасида зарап кўрган объектларни тиклашга доир тадбирларни молиялаштириш

Кучли зилзила натижасида зарап кўрган объектларни тиклашга доир тадбирларни молиялаштириш куйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Суғурталанган мол-мулкка етказилган заарнинг ўрнини қоплаш қонунчиликка ва суғурта шартномасига биноан суғурта компаниялари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги хуқуқ ҳамда мажбуриятлари

20-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги хуқуқлари

Жисмоний ва юридик шахслар:

тегишли ҳудуддаги сейсмик хавф даражаси тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

зилзилалар чоғида ўзини тутиш қоидалари ҳамда уларга тайёргарлик кўриш тартиби тўғрисида ахборот олиш;

зарур бўлганда ташкилот ходимларини ҳимоя қилиш ва уларни зилзила вақтида ўзини тўғри тутишга ўргатиш учун мутахассисларни жалб этиш хукуқларига эга.

Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси худудида турган жисмоний шахслар:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этиши;

ўз ҳаётини кутқариш, соғлиғини ва мол-мулкини саклаш учун зилзилаларга қарши эҳтиёт чораларини кўриши;

зилзилаларга тайёргарлик кўриш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш жараёнида ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошираётган тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотлар ходимларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси худудида фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар:

ўз ходимларини зилзила вақтидаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳимояланишга ва ҳаракат қилишга ўргатиши;

жойларда огоҳлантириш тизимларини ташкил этиши ва доимий тайёр ҳолатда тутиши ҳамда эҳтимоли бўлган сейсмик хавфлар ҳакида ходимларга дарҳол хабар бериши;

ўз тасарруфида бўлган обьектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш шартларига риоя этиши ҳамда зилзила вақтида сейсмик хавфнинг даражасига мувофиқ ходимларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаши;

зилзилалар оқибатларини бартараф этиш режаларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар обьектларида авария-кутқарув ишларини ўтказишда кўмаклашиши;

эвакуация тадбирларини белгиланган тартибда ўтказиши ҳамда ташкилотлар худудида аҳоли ва ходимларни жойлаштириш учун базаларни олдиндан тайёрлашни амалга ошириши;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ қуидаги принциплар асосида амалга оширилади:

кучли зилзилалар юз бериши мумкинлиги ва уларнинг оқибатлари тўғрисида чегарадош давлатларни хабардор қилиш;

зилзилалар оқибатларини бартараф этиш доирасида давлатлараро ҳамкорлик;

низоларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ ҳал этиш.

23-модда. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

25-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишлирини таъминласин.

26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 сентябрь
№ ЎРҚ-713

«Ўзбекистон Республикаси ахолиси
ва худудининг сейсмик хавфсизлигини
таъминлаш тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига
илова

**Сейсмик хавфсизлиги таъминланадиган объектларнинг
тоифаларига кўра
РЎЙХАТИ**

T/p	Объектнинг номи
I тоифа объектлари	
1.	Уйларнинг ёнидаги хўжалик ва ёрдамчи иморатлар
2.	Вақтинча уй-жойлар
3.	Вақтинча павильонлар ва киоскалар
4.	Кино ва видеофильмларни намойиш этиш учун вақтинча павильонлар
5.	Сақлаш учун жойлар, ангарлар, омборлар
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш ва сақлаш учун музлатиш камералари
II тоифа объектлари	
7.	Кам қаватли уйлар ва коттежлар (3 қаватгача)
8.	Якка тартибда қурилган шахсий уй-жойлар
9.	Темир йўл ва автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари
10.	Гаражлар (кўп қаватли ер ости, ер усти гаражлари)
11.	Матбаа саноати объектлари
12.	Коммуникация тоннеллари (ер ости коммуникациялари коллекторлари) ва иссиқлик тармоқлари
13.	Чиқиндиларни қайта ишлаш ташкилотлари
14.	Ўрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш, целялюоза-қофоз саноати объектлари
15.	Кимёвий тозалаш пунктлари, ҳаммомлар
16.	Техник хизмат кўрсатиш станциялари, жамоат транспорти ташкилотлари
17.	Кемпинглар, мотеллар, турбазалар, ёзги оромгоҳлар, дам олиш базалари ва альпинистлар курортлари
18.	Йил бўйи ишлайдиган дўконлар, майший хизмат ташкилотлари (кафелар, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш пунктлари)
19.	Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари
20.	Машқ қилиш заллари ва фитнес заллари
21.	Йил бўйи ишлайдиган дам олиш зоналари
22.	Кўргазма заллари, маданият уйлари
23.	Майший техника, сопол ва чинни буюмлар, ёғоч ва мебеллар, полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкилотлари

24.	Қандолатчилик маҳсулотлари, салқин ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкилотлари
25.	Пилла тайёрлаш ташкилотларининг объектлари
26.	Пойабзal ишлаб чиқариш ташкилотларининг объектлари
III тоифа объектлари	
27.	Дастгоchlар ишлаб чиқариш объектлари
28.	Автомобиль саноати ташкилотларининг объектлари
29.	Радиацияга қарши ҳамда ер остидаги ихтисослаштирилган пана жойлар
30.	Шаҳар транспорти объектлари, кўпприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, темир йўл кўпприклари
31.	Автоматлаштирилган тезкор диспетчерлик бошқаруви бинолари
32.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, шу жумладан чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги ташкилотларининг объектлари
33.	Ишлатилаётган марказий иситиш пунктлари, буғ қозонхоналари
34.	Ҳаракатланадиган таркибни, авиация техникасини таъмирлаш ташкилотларининг объектлари
35.	Курилиш тармоғи ташкилотларининг объектлари, курилиш металл конструкциялари ташкилотларининг объектлари
36.	Пахтани қайта ишлаш ташкилотларининг объектлари, тўқимачилик ташкилотларининг ишлаб чиқариш объектлари
37.	Почта, телеграф ва алоқа ташкилотларининг бошқа объектлари
38.	Турар жой бинолари, мажмуалари ва ётоқхоналар
39.	Ўрта қаватли уйлар ва меҳмонхоналар (3 қаватдан 5 қаватгacha)
40.	Кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналар (5 қаватдан 12 қаватгacha)
41.	Савдо уйлари, ихтисослаштирилган йирик универсал дўконлар мажмуалари, супермаркетлар, ресторонлар ҳамда усти ёпиқ бозорлар
42.	Ўкув юртларининг барча турлари (12 қаватгacha)
43.	1000 ўрингacha бўлган кинотеатрлар, кино-концерт заллари
44.	Театрлар, цирклар, музейлар, амфитеатрлар, ҳайвонот боғлари, аквапарклар, океанариумлар
45.	Автомобилга ёқилғи қуиши шохобчалари
46.	Лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари
47.	Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ва лабораторияларининг бинолари
48.	Академик илмий-тадқиқот марказларининг бинолари ва иншоотлари
49.	Кутубхоналар, ноёб кўлёзмалар сақланадиган жойлар ҳамда давлат архивларининг бинолари
50.	Суғориш ва сув ажратиш тармоқларидағи, сунъий сув ҳавзаларидаги гидротехника иншоотлари
51.	Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, санаторийлар, юкори даражадаги туристик мажмуалар

52.	Миллий галереялар, маданий марказлар, диний муассасалар (масжидлар, черковлар, синагоглар ва бошқалар)
53.	Ижтимоий-сиёсий фаолият марказларининг бинолари, бизнес-мажмуалар (марказлар), кўп функцияли ижтимоий мажмуалар
54.	Банклар, биржалар, банкларнинг бўлимлари, ҳисоблаш марказлари
55.	Барча турдаги тарихий обидалар
56.	Тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, маъмурий қамоқхоналар, ички ишлар органларининг бинолари ва иншоотлари
57.	Жазони ижро этиш муассасалари

IV тоифа объектлари

58.	Мудофаа объектларининг барча турлари
59.	Ядро тадқиқотлари, радиактив моддаларни ишлаб чиқариш, ядервий материаллар ва радиактив моддаларни сақлаш, шунингдек радиоактив моддаларга ишлов бериш ва уларни утилизация қилиш объектлари
60.	Миллий аҳамиятга эга бинолар ва иншоотлар
61.	Маъмурий-давлат бошқаруви бинолари
62.	Тиббиёт-микробиология саноатининг ва тиббиёт муассасаларининг объектлари
63.	Ўт ўчириш қисмларининг бинолари
64.	Сув омборларининг тўғонлари ва гидроэлектростанциялар
65.	Иссиқлик электр станциялари, буғ қозонхоналари
66.	Электроэнергетиканинг бошқа (муқобил) объектлари
67.	Нефть-газ ва кўмир саноатининг объектлари ҳамда омборлари
68.	Металлургия ва электротехника саноати ташкилотларининг объектлари
69.	Тоғ-кон руда саноати ташкилотларининг объектлари
70.	Кимё саноати, минерал ўғитлар ташкилотларининг объектлари, портлаш ва ёнгин хавфи юқори бўлган объектлар
71.	Ҳаво ва темир йўл транспортининг бинолари ҳамда иншоотлари, ер ости ва усти метроси объектлари
72.	Ўкув юртларининг, кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналарининг, шунингдек бошқа мақсадга мўлжалланган биноларининг (12 қаватдан юқори) барча турлари
73.	1000 дан ортиқ ўринга эга бўлган кино-концерт заллари ва кинотеатрлар
74.	Кўп ўринли ёпиқ стадионлар, йирик спорт саройлари

